

Шеробод туманида меҳнат ярмаркаси ўтказилди



Шеробод туманидаги 8-сонли musiқа мактабида туман ҳокимлиги, туман Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими ва туман ИИБ пробация гуруҳи ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

Хусусан, ўтказилган меҳнат ярмаркаси давомида пробация ҳисобидаги шахслардан ва бошқа 41 дан ортиқ ишсиз фуқаролар иштирок этди, Ушбу фуқаролардан тумандаги корхона ва ташкилотларда мавжуд бўлган бўш иш ўринларига 12 нафар фуқаролар доимий иш билан таъминланган бўлса қолган 10 нафар фуқаролар бепул касб-ҳунарга йўналтириш бўйича ўқув курсларига таклиф этилди.